



13 у.г. "18" НОЯБР № 1225-К

Samarqand t-p Самарканд

Фуқаро Ўроқов Жасурга савдо ва маиший
хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун
0,06 га ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 54-сонли қарорига асосан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 18 октябрдаги 140-сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2013 йил 9 сентябрдаги 885-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда фуқаро Ўроқов Жасурнинг туман хокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 18 октябрдаги 140-сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Ўроқов Жасурга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун тумандаги "Кулбаипоён" қишлоқ фуқаролар йиғини МЧ "Гулбод-агротехсервис" агрофирмаси ер харитасининг 174-контуридан жами 0,06 га (шундан: 0,06 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ижтимоий бино ва ховли ерлари ҳисобидан) ер майдони ажратилсин.
3. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Ўроқов Жасурга топширилсин.
4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т.Шаропов)га топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман хокими:

Б. Садуллаев